



## ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ҚЎЛЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Бабаханов Ҳамдам Қадамович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ҳуқуқбузарликлар  
профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси, майор

Нуралиев Искандар Абдуғани ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим  
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ихтисослиги  
бўйича таълим олаётган 3-ўқув курси 313-ўқув гуруҳи  
курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17532024>

### ARTICLE INFO

Received: 1<sup>st</sup> November 2025  
Accepted: 2<sup>nd</sup> November 2025  
Published: 5<sup>th</sup> November 2025

### KEYWORDS

ҳуқуқбузарликлар  
профилактикаси, чора-  
тадбирлар, самарадорлик,  
профилактика субъектлари,  
ЎРҚ-371 қонун.

### ABSTRACT

Мақолада “Ҳуқуқбузарликлар  
профилактикаси тўғрисида”ги  
ЎРҚ-371-сон Қонуни асосида профилактика чора-  
тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш  
фаолиятини такомиллаштириш масалалари  
таҳлил этилган. Профилактика субъектларининг  
ҳамкорлиги ва фаолият самарадорлигини ошириш  
бўйича амалий таклифлар берилган.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг мутлақо янги механизмларини жорий этиш, ҳуқуқбузарликни содир этишга сабаб бўлаётган ижтимоий-маиший муаммоларни ижтимоий профилактика чоралари тизими орқали ҳал этиш ҳамда аҳолида шахсий хавфсизлик ҳиссини шакллантириш борасида самарали чора-тадбирлар амалга оширилди. Шу билан бирга, маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратишнинг ташкилий-профилактик асосларини замон талабларига мослаштириш, содир этиладиган қонунбузилишларнинг асл омилларини ўз вақтида аниқлаш ва комплекс чора-тадбирлар билан манзилли бартараф этиш орқали жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш тизимининг самарадорлигини янада ошириш долзарб вазифа сифатида намоён бўлмоқда. (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январдаги ПҚ-1-сон қарори)[1].

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб, жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги 2014 йил 14 май

ЎРҚ-371-сон Қонуни [2], профилактика соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, субъектлар ваколатларини белгилаш ва фаолият самарадорлигини таъминлашга қаратилган.

Амалдаги тизимда профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш фаолиятини янада такомиллаштириш, идоралараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда профилактика субъектларининг жавобгарлигини ошириш долзарб вазифа ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, мақолада мазкур йўналишдаги асосий муаммолар

таҳлил қилиниб, миллий амалиётни ривожлантириш бўйича таклифлар илгари сурилган.

### **Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш фаолиятини такомиллаштириш масалалари**

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий турлари ва чора-тадбирлари Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни (ЎРҚ–371, 2014 йил 14 май)да белгилаб қўйилган.

Қонуннинг **6-моддасида** ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг турлари белгиланган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- ҳуқуқбузарликларнинг **умумий профилактикаси**;
- ҳуқуқбузарликларнинг **махсус профилактикаси**;
- ҳуқуқбузарликларнинг **якка тартибдаги профилактикаси**;
- ҳуқуқбузарликларнинг **виктимологик профилактикаси**.

Хусусан, **23-моддада** умумий профилактика чора-тадбирлари сифатида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғиботни йўлга қўйиш, шунингдек, ҳуқуқбузарлик сабабларини ва уларга имкон берувчи шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш белгиланган. Қолган турларга хос чора-тадбирлар ҳам қонунда аниқ кўрсатилган бўлиб, уларнинг ҳар бири жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқий онгни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шу билан бирга, мамлакатимизда ушбу соҳада амалга оширилаётган ислохотлар тизимли равишда қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан мустаҳкамланмоқда.

• **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ–2833-сон қарори** билан “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссияси тўғрисида”ги [3] Низом тасдиқланган бўлиб, ушбу қарор профилактика соҳасида давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштиришнинг ҳуқуқий ва ташкилий асосини яратди.

• **2024 йил 30 октябрдаги ВМ–801-сон қарор** (“Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида) [4] маҳалла тизимида хавфсиз муҳитни яратиш ва жиноятчиликнинг олдини олишда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини кучайтиришга қаратилган. Ушбу қарор маҳаллаларда профилактик фаолиятни янги босқичга олиб чиқиш учун амалий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

• **2025 йил 3 январдаги ПҚ–1-сон қарор** (“2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”) [5] профилактика тизимида замонавий механизмларни жорий этиш, аҳолининг шахсий хавфсизлик ҳиссини ошириш ва жиноятчилик сабабларини бартараф этишга қаратилган муҳим дастурий ҳужжат ҳисобланади.

• **2025 йил 18 августдаги ПҚ–253-сон қарор** (Маҳаллаларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш тизими натижадорлигини янада оширишга қаратилган ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида) [6] профилактика фаолиятида идоралараро ҳамкорликни янада кучайтириш, масъул идоралар фаолияти самарадорлигини ошириш ва манзилли чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратган.

Ушбу қарор ва қонунлар асосида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги чора-тадбирларни такомиллаштириш бўйича қуйидаги йўналишларда ишларни кучайтириш зарур деб ҳисоблаймиз:

**Биринчи.** профилактика фаолиятини амалга оширувчи органлар ўртасида маълумот алмашишнинг ягона ахборот тизимини яратиш;

**Иккинчи.** маҳалла тизимида виктимологик ва индивидуал профилактика тадбирларини кучайтириш;

**Учинчи.** аҳоли ўртасида ҳуқуқий онг ва маданиятни ошириш бўйича инновацион тарғибот усулларини жорий этиш;

**Тўртинчи.** профилактик чора-тадбирлар самарадорлигини баҳолашнинг илмий асосланган индикаторларини ишлаб чиқиш.

### **Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш фаолиятини такомиллаштириш масалалари.**

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини самарали ташкил этиш, аввало, унинг ҳуқуқий асосларини чуқур англаш ва ҳар бир тури бўйича манзилли чора-тадбирларни ишлаб чиқишни талаб этади. **“Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасига** кўра, профилактика тўртта турларга бўлинади:

Бу турлар ўзаро боғлиқ бўлиб, ҳар бири жамиятда қонунийлик, осойишталик ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

#### **1. Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси**

Қонуннинг **23-моддасида** умумий профилактика чора-тадбирлари сифатида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот олиб бориш ҳамда ҳуқуқбузарлик сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш белгиланган.

Амалда бу йўналишда 2025 йил 3 январдаги **ПҚ-1-сон қарор** муҳим аҳамият касб этди. Унда жойларда хавфсиз муҳитни яратиш, ижтимоий муаммоларни профилактика орқали ҳал этиш ва фуқароларда шахсий хавфсизлик ҳиссини ошириш вазифалари белгилаб берилган. Шу боис, умумий профилактика самарадорлигини ошириш учун:

- давлат дастурларини маҳаллий эҳтиёжларга мос ҳолда манзилли қилиш;
- ҳуқуқий тарғиботни рақамли платформа ва ижтимоий тармоқлар орқали интерактив шаклда ташкил этиш;

#### **2. Махсус профилактика**

Махсус профилактика — ҳуқуқбузарлик хавфи юқори бўлган муҳит, ижтимоий гуруҳлар ёки шахслар тоифасига қаратилган чора-тадбирлар тизимидир. Унинг ҳуқуқий асоси **“Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуннинг 24-моддасида** белгиланган бўлиб, у айрим турдаги ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш ҳамда профилактик таъсир чораларини амалга оширишни назарда тутаяди.

Мазкур моддага мувофиқ, махсус профилактика қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

- муайян турдаги ҳуқуқбузарликлар ёки шахслар тоифаси кўпайганда;
- жамоат хавфсизлиги ва тартибига таҳдидлар вужудга келганда.

Бу йўналишда **2024 йил 30 октябрдаги ВМ-801-сон қарор** (“Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили асосида ижтимоий профилактика тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида) муҳим аҳамият касб этади. Қарор маҳаллаларда хавфсиз муҳит яратиш, профилактика субъектлари ўртасида ҳамкорликни кучайтириш ва фуқаролар билан ишлашнинг янги усулларини жорий этишни кўзда тутаяди.

Махсус профилактикани такомиллаштириш учун:

- “хавф даражаси харитаси”ни ишлаб чиқиш ва янгилаб бориш;
- профилактика субъектлари ўртасида **доимий маълумот алмашиш тизимини** жорий этиш;
- хатар гуруҳларини аниқлашда **илғор психология ва социология усуллари**дан фойдаланиш;

- чора-тадбирларни режалаштиришда **таҳлил ва прогнозлашга асосланган рақамли моделларни** жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

### 3. Якка тартибдаги профилактика

Якка профилактика — шахснинг индивидуал хусусиятларига асосланган ҳолда ҳуқуқбузарликка мойил фуқаролар билан ишлашни назарда тутати. Бу йўналиш 2025 йил 18 августдаги ПҚ-253-сон қарор билан ривожлантирилиб, ҳар бир шахс билан ишлашда индивидуал ёндашувни таъминлаш вазифаси белгиланган.

**Қонуннинг 28-моддасига** мувофиқ, якка профилактика — бу ҳуқуқбузарликка мойил ёки ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни аниқлаш, ҳисобга олиш ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатиш фаолиятидир.

**29-моддада** эса унинг асосий чора-тадбирлари сифатида профилактика суҳбати, расмий огоҳлантириш, ижтимоий реабилитация ва маъмурий назорат каби чоралар белгиланган.

Амалда айрим ҳолларда якка профилактика умумий чоралар билан чалкашиб кетмоқда. Шу сабабли:

- ҳар бир профилактик ҳисобдаги шахс учун **индивидуал иш режаси** жорий этиш;

### 4. Виктимологик профилактика.

Виктимологик профилактика — жабрланувчига айланиш хавфи юқори бўлган шахсларни ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирлар тизимидир. Бу йўналишнинг ҳуқуқий асоси сифатида **2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2833-сон қарор** хизмат қилади. Унга мувофиқ, Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссияси фаолияти йўлга қўйилган.

**Қонуннинг 43-моддасига** кўра, виктимологик профилактика — шахснинг ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиш хавфини камайтиришга қаратилган фаолиятдир. **44-модда** эса унинг асосий чора-тадбирларини белгилайди: жабрланувчиларни аниқлаш ва ҳимоя қилиш, ҳуқуқий тарбия бериш, хавфли ҳудудларни назорат қилиш ҳамда зарурий муҳофаа бўйича ахборот тарқатиш.

Мазкур йўналишни такомиллаштириш учун:

- жабрланувчиларни ҳимоя қилиш бўйича **“ишонч телефонлари”** ва **онлайн платформаларни** кенгайтириш зарур;
- **аёллар ва вояга етмаганлар учун психологик ёрдам хизматларини** кучайтириш муҳим;
- маҳаллаларда **виктимологик таҳлилни мунтазам олиб бориш** мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнини такомиллаштиришда профилактика инспекторлари фаолиятининг айрим йўналишларини янада такомиллаштириш зарурати мавжуд.

Бу борада мустақил изланувчи Ҳ.Қ. Бабаханов [7] мақоласида шундай таъкидлайди “Профилактика инспекторлари учун маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, баённома расмийлаштириш ва жазо чораларини белгилашда бир хил мезонларга таяниш жуда муҳим. Бунинг учун аниқ, тушунарли ва янгиланиб боровчи услубий қўлланмалар ва электрон дастурлар жорий этилиши зарур” [7, 116-125 б].

Хулоса қиладиган бўлсак, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ислохотлар жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга хизмат қилмоқда. Бу йўналишда идоралараро ҳамкорликни кучайтириш, профилактика инспекторлари фаолиятини такомиллаштириш ва жамоатчилик иштирокини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январдаги ПҚ-1-сон қарори.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2833-сон қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 ноябрда 801-сонли қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январдаги ПҚ-1-сон қарор.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 18 августдаги ПҚ-253-сон қарор.
7. Қадамович, Б. Ҳ., & Зиёдуллаев, С. Ш. Ў. (2025). ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ВА МАЪМУРИЙ ЖАЗОГА ОИД ҚОНУН НОРМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies, 2(4), 116-125.

